

ТУМАНИМИЗДА ҒАЛЛА ПАРВАРИШИ БҮЙИЧА СЕМИНАР БҮЛИБ ҮТДИ.



Күмкүрғон тумани Беш қаҳрамон худудидаги “Алпомиш ўғлонлари” фермер хўжалигига ғалла парвариши ҳамда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий қилинадиган майдонлар бўйича семинар бўлиб үтди.

Семинарда туман ҳокими ва сектор раҳбарлари, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Агроинспексия ва Карантин инспексияси бошлиқлари ҳамда тумандаги қишлоқ хўжалигига алоқадор ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва кластер раҳбарлари иштирок этишди.

Семинар давомида юз берадиган об-ҳаво ўзгаришларини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги майдонларига эрта ишлов бериш, экин экиадиган майдонларни тайёрлаш ва ғалла уруғларини кечиктирмасдан экиш зарурлиги таъкидланди.

Мавсум олдидан ҳосилимиз баракали бўлишини Аллоҳдан сўраб, Қуръон тиловат қилинди ҳамда дуога қўл очилди.